

3-5-2019

"Jeti-jarga" As the basis of Kazakh khanate legislation

Alimova Rahima Ruskulovna
r_alimova@mail.ru

Follow this and additional works at: https://uzjournals.edu.uz/or_stud



Part of the [History Commons](#)

Recommended Citation

Ruskulovna, Alimova Rahima (2019) ""Jeti-jarga" As the basis of Kazakh khanate legislation," *Oriental studies*: Vol. 1 : Iss. 1 , Article 3.
Available at: https://uzjournals.edu.uz/or_stud/vol1/iss1/3

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Oriental studies by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.



ТАРИХШУНОСЛИК ВА ЭТНОГРАФИЯ // ИСТОРИОГРАФИЯ И ЭТНОГРАФИЯ // HISTORIOGRAPHY AND ETHNOGRAPHY

АЛИМОВА РАҲИМА

Тарих фанлари номзоди, доцент, ТошДШИ

“Жети-жарға” Қозоқ хонлиги қонунчилигининг асоси сифатида

Аннотация. Мазкур мақолада XV аср 70-йилларидан XVIII аср 30-йилларигача Қозоқ хонлиги сиёсий давлат сифатида шаклланиши ва мустақамланиши даври сифатида характерланиши, бу даврнинг ўзига хос хусусияти, унинг ҳудуди, давлат тузуми, бошқарув шакли, қўни давлатлар билан муносабатлари, аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти баён қилинади. Қозоқ жузларининг мамлакат ҳаётидаги ўрни масаласи қамраб олинади. Бу даврда ҳукмронлик қилган қозоқ хонларидан Қосимхон, Ҳақназархон, Таукехон каби хонларнинг мамлакат ҳудудини кенгайтириши ва мустақамлаш борасида олиб борган сиёсати таҳлил этилади.

Қозоқ хонларининг мамлакат ҳудудини кенгайтириши йўлида Фарбий Еттисув, Шарқий Дашти Қипчоқ, Марказий Қозогистон, Шимолий Оролбўйлари, Сирдарёнинг қўни оқими, Қоратов ва унга туташ ҳудудларда яшовчи қабилаларни қўшиб олиши мақсадида олиб борган муваффақиятли фаолиятлари баён қилинади. Қозоқ хонларининг Мўғулистон хони Султон Саидхон, Бухоро хони Абдуллахон, Нўғой ва Сибирь хонликлари билан муносабатлари ҳам тадқиқот доирасига тортилган. Жунгор хонлигининг Қозоқ хонлиги ҳудудларига шафқатсиз ҳарбий босқинлари ва уларга қарши қозоқ аҳолисининг курашлари ёритилган.

Қозоқ хонлигининг ташиқил топиши ва сиёсий тузумнинг ўзгариши билан қозоқлар жамиятини бошқаришни ташиқиллаштириши зарурати мамлакатнинг қонунчилик асосларини мустақамлашни тақозо қилганлиги, давлат ва жамият эҳтиёжларидан келиб чиқиб, қонунларнинг тузилиши учун вужудга келган шарт-шароит ва бу жараён XVII аср мобайнида давом этганлиги ҳамда Таукехон даврига келиб “Жети-жарға”нинг қонунлар тўплами шаклига етказилиши кўриб чиқилади.

Қозоқ хонлигининг маъмурий, фуқаролик, жиноий, солиқ тизимларини ўз ичига олган қонунлар тўплами “Жети-жарға” тузилишининг объектив ва субъектив сабаблари, ўша даврдаги тарихий шарт-шароит, унда жиноятга қўлланилган жазо турлари таҳлил қилинади ҳамда ҳужжатнинг жамият ҳаётида тутган ўрни тўғрисида маълумот берилади.

Қозоқ хонлиги ҳудудидида жиноят ишларини юритиши тартиби “Жети-жарға” нормалари билан белгиланганлиги, хонликда содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишларни юритиши ушбу ҳужжатга мувофиқ олиб борилганлиги, Қозоқ хонлиги жамиятидаги жиноий-ҳуқуқий нормалар, шахсга нисбатан жиноий жавобгарлик, мулкка нисбатан жиноят, ахлоқ қоидалари ва оилавий ҳуқуқий муносабатлар масалаларини ўзида мужассам қилган қонуний ҳужжат ҳисобланган “Жети-жарға”да содир этилган жиноятларга жавобгарлик нормалари баён этилади.



Таянч сўз ва иборалар: қозоқ, “Жети-жарга”, “қозоқ ерлари тўпловчиси”, “Оғир кулфат йиллари”, Таукехон, “олтин давр”, “Тауке тузуқлари”, “оқсуяқлар”, “қора суяқлар”, хун, А. И. Левшин.

Аннотация. В настоящей статье рассматриваются становление государственности и укрепление Казахского ханства в период с 70-х годов XV века по 30-е годы XVIII века, раскрываются особенности этого периода. Приводятся сведения о государственном устройстве, государственном управлении, взаимоотношениях с сопредельными странами, социально-экономической жизни населения. Затрагиваются вопросы значения казахских жузов в жизни государства. Анализируется политика, проводимая правящими казахскими ханами, такими как Касимхан, Хакназархан, Таукехан в сфере расширения территории государства и укрепления ханства.

Рассматривается успешная деятельность казахских ханов в целях расширения территории за счет племен, живущих в Западном Семиречье, Восточном Деишти Кипчаке, Центральном Казахстане, Северном Приаралье, низовьях Сырдарьи, Каратаге и соседних территориях. В сферу исследования вошли и вопросы отношений казахских ханов с могольским ханом Султан Саидом, бухарским ханом Абдуллаханом, ханами Ногайских и Сибирских ханств. Освещаются беспощадные захватнические нападения жузгарских ханств на территорию Казахского ханства и борьба казахского народа против захватчиков.

Изучены изменения политической структуры, вызвавшие настоятельную необходимость переработки правовой базы организации казахского общества, разработки законов вплоть до конца XVII века. Отмечается, что формирование закона при хане Тауке нашло своё отражение в своде законов «Жеты Жаргы» (Семь Установлений).

Даются сведения об объективных и субъективных причинах создания «Жеты-жаргы», как свода законов, состоящих из административной, гражданской, судебной, налоговой систем Казахского ханств. Анализируются меры наказания, применяемые к нарушениям закона, рассматривается значение законодательного документа в жизни общества.

Идет речь о порядке ведения уголовных дел в Казахском ханстве, уголовно-правовых нормах казахского общества, уголовной ответственности лиц, имущественных преступлениях, нормах поведения и вопросах семейного права, закрепленных в своде законов «Жеты-жарга». В статье также анализируются виды наказаний за каждое нарушение и раскрываются их значения.

Опорные слова и выражения: казах, «Жеты-жарга», «собиратель казахских земель», «Годы тяжелых бед», Таукехан, «золотой период», «Каноны Тауке», «белая кость», «черная кость», хун, А. И. Левшин.

Abstract. This article describes the period of formation and consolidation of the Kazakh Khanate as a political state from the 70s of XVth century – till the 30s of XVIIIth century and the characteristics of this period, Khanate’s territory, the state structure, the form of government, the relations with neighboring countries, socio-economic life of the population are analyzed in this research. The role of Kazakh Zhuzs in the country’s life is also studied. The Kazakh Khans such as Qosim Khan, Haqnazar Khan, Tauke Khan who ruled during this period, their policy to expand and strengthen the country’s territory are analyzed systematically.



Successful conquering works of Kazakh Khans for the expansion of the territory of the Western Zhetysay, eastern Dashty Kipchak, Central Kazakhstan, the Northern Aral Sea, the lower reaches of Syr Darya River, the tribal settlements of Qoratorov and its adjacent territories are discussed. The Kazakh Khans' relationships with Sultan Saidkhan (Mongolia), Abdullahkhan (Bukhara), Nogay and Siberian khanates were also investigated. The brutal military aggression of Junggar Khanate against Kazakh Khanate and the struggles of Kazakh population against them were described.

The necessity to organize the Kazakh society with the establishment of the Kazakh Khanate and the change of its political system led to the strengthening of the country's legislative bases, the conditions created for the state and society and the process continued in the XVIIIth century and Tauke Khan established "Zheti-zharga" and it started to consider as a form of law. This article gives information on "Zheti-zharga" which was the Code of Conduct of Kazakh Khanate, including administrative, civil, criminal, tax systems, it analyzes the objective and subjective causes of the "Zheti-zharga", the historical conditions of the period, the types of penalties used for crime and the role of the document in the community.

The fact that the criminal procedure in the Kazakh Khanate is defined by "Zheti-zharga's" norm, the conduct of criminal proceedings in the khanate according to this document, the criminal law in the Kazakh society, the criminal liability against the person, criminal offenses against property, "Zheti-zharga", which is a legal document that incorporates issues of legal relations.

Keywords and expressions: kazakh, "Zheti-zharga", "collector of Kazakh lands", "Years of heavy troubles", Taukekhan, "golden period", "Tauke's Canons", "white bone", "black bone", hun, A. I. Levshin.

Ҳар қандай давлат ўзининг миллий қонунчилик тизимига эга бўлиб, унда давлатнинг тараққиёт йўли, тутган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий муносабатлари аниқ белгилаб берилади. Тарихдан маълумки, ҳар бир давлат ўз қонун-қоидалари, қонунчилик тизимига эга бўлган, хусусан, турк хоқонларининг "Қонуннома", Чингизхоннинг "Билик", Хондамир (1474–1535) қаламига мансуб "Қонуни Ҳумоюн", Шайбонийхонлардан Убайдуллахоннинг топшириғи билан Рузбехон (1458–1521 ёки 1530) ёзган "Сулук ал-мулук" ("Подшоларга йўл-йўриқ"), Қозоқ хони Таукехон (1680–1715) топшириғи билан тузилган "Жети-жарға" ("Етти тизим") шулар жумласидандир. "Жети-жарға"нинг қачон тузилганлиги тўғрисида аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Айрим тадқиқотчилар уни XVII аср иккинчи ярми, бошқалари XVIII аср бошларида яратилган деб ҳисоблашади. Шу муносабат билан, "Жети-жарға"нинг вужудга келган даври ва Қозоқ хонлигининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тутган ўрни масаласини ёритиш долзарб ҳисобланади.

Қозоқ хонлиги тахтини идора қилган Таукехон (1652–1715) ташқи душманларнинг ҳужумларини қайтариб, ички келишмовчиликларга чек қўйган, хонликда омонлик, осойишталик ўрнатган. Унинг даврида мамлакат ички аҳволини мустаҳкамлаш мақсадида қонунлар мажмуаси ишлаб чиқилган. Бундай ҳужжат Таукехоннинг ташаббуси билан яратилган қозоқлар жамия-



тининг ҳуқуқ нормаларини ўзида жамлаган “Жети-жарға” эди. “Жети-жарға”нинг мазмун-моҳиятини англаш учун қонунлар тўплами яратилишига туртки бўлган шарт-шароит тўғрисида маълумот бериш ўринли ҳисобланади.

XV аср ўрталари XVIII аср бошларида Қозоқ хонлиги сиёсий давлат сифатида шаклланган эди. Бу даврда хонлик ҳудудлари қозоқ этносларининг жойлашувига қараб бир неча марта ўзгариб турган. Шунини эслатиб ўтиш жоизки, Қозоқ хонлиги ҳудудий тузилиши жиҳатидан ўзига хос хусусиятга эга. Бу эса унинг ҳудудида жузларнинг пайдо бўлиши билан изоҳланади. XV–XVI асрлар Қозоғистон ҳудудида қабила иттифоқлари ҳисобланмиш жузларнинг пайдо бўлиши характерлидир. Бу эса, таъкидланган даврда қозоқ жузлари ташкил топган деган фикрни билдирмайди. Қозоқ жузлари ҳам худди қозоқ халқи каби узок тарихий жараёнда шаклланган. Жузларнинг ташкил топиши ҳудуднинг табиий иқлим шароити ва аҳолининг номадик, яъни кўчманчилик турмуш тарзи билан боғлиқ. Қозоқ хонлиги ҳудудлари географик тузилишига кўра, табиий-ландшафт зоналардан ташкил топган. У табиий равишда уч географик қисмга ажралган: Жанубий Қозоғистон ва Етгисув, Ғарбий Қозоғистон, Марказий, Шимолӣ ва Шарқий Қозоғистон. Бу бўлиниш Қозоғистон аҳолисининг ҳам хўжалик, ҳам маданий фаолиятида ўз аксини топган. Қозоқ ерлари Катта жуз, Ўрта жуз ва Кичик жузга бўлинган.

XV асрнинг 50–70-йилларида Қозоқ хонлиги дастлаб ташкил топган даврда Жонибек ва Керейлар томонидан бошқарилган¹. Маълумотларга кўра, Керейхон 1465 йилдан 1473–1474 йилларгача тахтни идора қилган. Керейхоннинг вафотидан кейин унинг катта ўғли Бурундук Қозоқ хонлиги тахтини эгаллаган. Қозоқ хонлигининг вужудга келиши билан хонлар узок йиллар мобайнида Сирдарё қирғоқларини ва Шайбонийлар давлатига қарашли чегара шаҳарларини эгаллаш учун кураш олиб борган.

Қозоқ хонлиги XVI аср биринчи чорагида Қосимхон ҳукмронлиги даврига келиб, ўзининг куч-қудратига эришган. Қосимхон Жонибекнинг авлодларидан бўлиб, Керейнинг ўғли Бурундукдан кейин Қозоқ хонлиги тахтини эгаллаган. Қосимхон расман 1511 йилдан хонликни идора қила бошлаган. Ўрта Осиёда Шайбонийхон Эрон шоҳи Исмоил томонидан Марв остоналарида мағлубиятга учратилган даврда, Қосимхон (1511–1521) Жанубий Қозоғистонда ўзининг ҳукмронлиги ўрнатган. У Сирдарё бўйидаги ерларга ҳужумлар уюштириб, 1513 йилда Сайрам шаҳрини, кейин эса, Тошкентни ҳам эгаллаган. Қосимхон ҳокимиятда мавқеини мустаҳкамлаб олгач, Мўғул хони Султон Саид билан ҳам муносабатларни яхшилаш бошлаган. Султон

¹ Қозоқ хонлиги тарихи бўйича Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асари муҳим манба саналади. Унда Қозоқ хонлигининг вужудга келиш жараёнлари билан боғлиқ бўлган сиёсий воқеалар ўзининг аксини топган. Қаранг: Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашидий. – Тошкент, “Ўзбекистон”, 2011. (Mirza Muxammad Haydar. Tarixi Rashidi. – Tashkent. “O‘zbekistan”, 2011.).



Саидхон (920–939/1514–1533) чиғатойлардан бўлиб, Султон Аҳмадхоннинг учинчи ўғли (909/1514 й. вафот этган). 1514 йилда Султон Саидхон дуғлот амири мирзо Аба Бакрни енгиб, Кошғарни, кейинчалик Мўғулистоннинг катта қисмини босиб олган. У ражаб (август–сентябрь) ойларида тахтга ўтирган. 19 йил давомида фаол ташқи сиёсат олиб борган. У шимолий-ғарбда Фарғона ва Андижон, ғарбда Бадахшон ва Болорга, жануб ва жанубий-шарқда Кашмир ва Тибет ҳамда шимол ва шимолий-шарқда Мўғулистонга қарши ҳужумлар қилган¹. Унинг юришлари муваффақият билан олиб борилган ва, асосан, талон-тароажликдан иборат бўлган. Демак, 1514 йилда Султон Саид Еттисувдан Кошғарга юриш қилиб, Шарқий Туркистонда маркази Ёркент бўлган давлатга асос солиши Қосимхон томонидан Еттисувни ҳам эгаллаб олишига имконият яратади. Қозоқ хонлигининг ғарбий томонида Нўғой хонлиги инқироз даврига кирган пайтларида бу ҳудудларда кўчиб юрган уруғларни ҳам ўзига қўшиб олади. Шундай қилиб, Қосимхон давлати чегаралари жанубда Сирдарё бўйлари, жанубий-шарқда Еттисувнинг катта қисми, шимолий ва шимолий-шарқда Улуғтоғ этаклари, Балхаш кўли ва Қорақалъа тоғлари, ғарбда Ёйиқ дарёсигача бўлган ерларни қамраб олади.

Қосимхон даврида Қозоқ хонлиги халқаро муносабатларда ҳам ўзининг ўрнига эга бўла бошлаган. Хусусан, у биринчилардан бўлиб Москва давлатининг буюк князи Василий III (1505–1533) билан дипломатик алоқалар олиб борган. Муҳаммад Ҳайдар Дуғлотнинг берган маълумотларига кўра, Қосимхон мулкларида яшаган аҳолиси миллион кишини ташкил этган². Қосимхон номи қозоқ халқи тарихига “қозоқ ерлари тўпловчиси” номи билан кирган. Ибн Рузбехон, Бобур Мирзо ва Мирза Ҳайдарнинг ёзишига кўра, Қосимхон шахсий қахрамонлиги, бошқаларни ортидан эргаштира олиш қобилияти, ҳарбий иқтидори ва юксак инсоний хислатлари билан бошқалардан ажралиб турган. Унинг даврида ҳокимият шу даражада мустақамланганки, қозоқ хонларидан бирортаси ўз кўлида бунчалик аҳолини бирлаштира олган эмас.

Қосимхоннинг вафотидан кейин 1522 йилда тахтга унинг ўғли Мамаш ўтиради. 1523 йилда эса Жонибекнинг невараси, Адиксултоннинг ўғли Тоҳир (1523–1533) тахтга келади. Тоҳир хонлик даврида қаттиққўллиги билан ажралиб турган, мамлакатда ғалаёнлар кўтарилган, очарчилик бошланган ҳамда ташқи сиёсатда унинг мавқеи тушиб кета бошлаган. Тоҳир манғитлар билан муваффақиятсиз курашлар олиб бориб, 1523 йилда Мўғулистонга кўчиб кетади. Мўғулистонда Султон Саид билан иттифок тузади. Аммо улар ўртасидаги

¹ Шах-Махмуд Чурас. Хроника. Критический текст, перевод, комментарии, исследование и указатели О.Ф.Акимовской. – М.: Наука, 1976. – С. 258. (Shax-Maxmud Churas.Xronica. Kriticheskiy tekst, perevod, kommentarii, issledovaniye i ukazateli O.F.Akimovskaya. – Moskva. Nauka, 1976. S. 258.); Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашидий. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – Б. 190-196, 362-365.(Mirza Muhammad Haydar. Tarixi Rashidi. – Tashkent: O'zbekiston, 2011. – P.190-196, 362-365.).

² Кан Г. История Казахстана. Учебник для вузов. – Алматы, 2007. – С. 69. (Kan G. Istoriya Kazaxstana. Uchebnyk dlya vuzov. – Almati, 2007. – P. 69.)



дўстона муносабатлар 1524 йилда Тоҳирнинг Султон Саидхонга қарашли бўлган қирғизларни ўзига бўйсундириб олгани сабабли барбод бўлган. Тоҳир Мўғулистоннинг ғарбига кўчиб ўтганда, Шайбонийлар билан тўқнашади, оқибатда қозоқ ерларининг асосий қисмини қўлдан бой беради. Тоҳирхоннинг сўнгги йиллари қирғизлар орасида қашшоқликда ўтган. Унинг вафотидан кейин қозоқ хонлиги тахтига укаси Буйдаш ўтиради. Бу даврларда бир вақтнинг ўзиде Аҳмадхон, Тугумхон каби бир неча хонлар ҳукмронлик қилган. Буйдашхон Еттисувдаги қозоқ-қирғиз бирлашмалари устидан ҳукмронлик қилган. XVI асрнинг 30-йилларида Жонибекнинг ўғли Тугумхон ҳукмронлик қилган ва 1537 йилда мўғул хонлари билан бўлган жангда ҳалок бўлган. Қисқа вақт оралиғида хонлик тахтига бир неча ҳукмдорларнинг келиб-кетиши Қозоқ хонлиги сиёсий ҳаётининг заифлашганлигидан, XVI асрнинг 20-йиллари бошларидан сиёсий тушқунлик даври бошланганлигидан дарак беради. Хонликдаги сиёсий аҳвол фақат Ҳақназарнинг тахтга келиши билан ўнглана бошлаган.

Эслатиб ўтиш лозимки, қозоқ хонларининг орасида машҳурларидан бири Қосимхоннинг ўғли Ҳақназар (1538–1580) ҳисобланган. У қозоқ ерларини ҳимоя қилишга, тинчликни сақлашга, хонликнинг яхлитлигини мудофаа қилишга, қўшни давлатлар билан муносабатларни яхшилашга ҳаракат қилган. Шайбонийлар давлати ҳукмдори Абдуллахон Қозоқ хони Ҳақназар билан сиёсий алоқаларни ўрнатишга ҳаракат қилган. Бу муносабатлар тўғрисида Ҳофиз Таниш ал-Бухорийнинг “Абдуллонома” асарида қимматли маълумотлар берилган¹. Ундан кейин Қозоқ хонлиги тахтига Жонибекнинг набираси, Жадиқнинг ўғли Шиғай (1580–1582), сўнг унинг ўғли Таваккал келади ва тахтни то 1598 йилга қадар бошқарди. Айнан шу йили шайбоний Абдуллахон вафот этганидан хабар топган Таваккал Сайрам, Тошкент, Туркистон, Самарқанд, Бухорога қарши юриш қилади, аммо жангда яраланиб, 1598 йилда вафот этади. Тахтга Шиғайнинг ўғли Есим (1598–1628) ўтиради. Унинг даври қонунларнинг пайдо бўлиши билан алоҳида ажралиб турган. Бу давр қозоқ халқи тарихида “Ишимхоннинг эски йўли” номи билан машҳур бўлган². Ишимхон вафот этгач, унинг ўрнига ўғли Жаҳонгир ўтиради, аммо у 1652 йилда ойратлар билан бўлган жангда вафот этади. Қозоқ хонлиги тахтини идора қилган Таукехон (1652–1715) даврида Қозоқ хонлиги сиёсий жихатдан мустаҳкамланган бўлиб, жунғорларнинг ҳужуми қамайган. Таукехон даври тарихида “Қой устинде бозторғай жумьртқалаған” (“Кўй устида бўзтўрғай тухум кўйған”) деган ном билан машҳур бўлган. Бунинг маъноси шулким, унинг даврида хонликда омонлик, осойишталик ўрнатилган. Бу даврда айнан одатдаги ҳуқуқ нормаларини ўзида жамлаган “Жети-жарға” тузилган³.

¹ Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. “Абдуллонома” (“Шарафномаи шоҳий”). Иккинчи китоб. – Т.: Шарқ, 2000. – Б. 29-32. (Hofiz Tanish al-Buxoriy. Abdillanoma. (Sharafnomayi shohiy). The second dook. – Tashkent. Sharq, 2000. – P. 29-32.)

² Кан Г. История Казахстана. – С. 70. (Kan G. Istoriya Kazaxstana. – P. 70.)

³ Ўша жойда.



Демак, қозоқ хонлигининг ташкил топиши ва сиёсий тузумининг ўзгариши билан қозоқлар жамиятини бошқаришни ташкиллаштириш жараёнида унинг ҳуқуқий асосини қайта кўриб чиқиш зарурати туғилган¹. Бу жараён 16 аср мобайнида давом этган ва Таукехон даврига келиб қонунлар тўплами шаклига келган “Жети-жарға”² ниҳоясига етказилган. Қозоқ хони Таукехон (1680–1715) даврида яратилган Қозоқ хонлиги кўчманчи аҳолисининг ҳуқуқ нормаларини ўзида акс эттирган бу ҳужжат – “Жети-жарға” (“Етти тизим”) қонунлар тўплами эди. Илмий адабиётларда бу ҳужжат “Таука хон тузуклари”, “Таука хон қонунлари” деб номланади. Мазкур қонунлар тўплами XVIII аср бошида Катта жуздан Толе бий, Ўрта жуздан Қазыбек бий ва Кичик жуздан Айтеке бийлар иштирокида тайёрланган. “Жети-жарға” қонунлар тўплами дастлабки тузилган ҳолатида тўлиқ сақланиб қолмаган. У ҳақидаги айрим фикрлар Я. П. Гавердовский, кейинчалик, Г. И. Спассий, А. И. Левшин ва бошқалар томонидан берилган маълумотларда етиб келган.

Қозоқ хонлиги тарихида иккита қонунлар ёдгорлиги бўлган, улардан бири Қосимхон номи билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам “Қосимхоннинг кашка жўли” (“Қосимхоннинг тоза йўли”) деб аталган, иккинчиси эса Таукехоннинг “Жети-жарға”си ҳисобланган.

“Жети-жарға”га XVII асрда қозоқлар жамиятидаги ҳарбий-сиёсий ва ижтимоий ҳаёт эҳтиёжлари асосида вужудга келган нормалар киритилган. “Жети-жарға”нинг матни хилма-хил бўлиб, у қозоқлар жамиятининг турли қирраларини қамраб олган. Унга кўра, олий ҳокимият хон кўлида тўпланган. Аммо, хон ҳокимиятни султонлар ва бийлар билан бўлишиб бошқаришга мажбур бўлган, ҳокимиятни олий насаб зодагонлар билан биргаликда шерикчиликда бошқаришга тўғри келган³. Шундан кўриниб турибдики, Қозоқ хонлигида хон мутлоқ монарх бўлмаган. У ҳокимиятни султонлар ва бийлар ҳамда аслзода гуруҳлар билан келишиб идора қилган.

Хонликни бошқариш тартиблари султон ва бийлар билан аниқлаб олинган. Хон, султон ва бийлар ҳар йили кузда даштнинг маълум бир жойида

¹ Масанов Н.Э., Абылхожин Ж.Б. и др. История Казахстана: народы и культуры: Учебное пособие. – Алматы, 2001. – С. 113; (Masanov N.A., Abilxojin J.B. i dr. Istoriya Kazaxstana: Narod i kultiri. Uchebnoye posobiye. – Almati, 2001. – P. 113.); История Казахстана с древнейших времен до наших дней. – Алматы, 2006. – С. 155-156. (Istoriya Kazaxstana s drevneyshix vremyon do nashix dnei. – Almati, 2006. – P. 155-156.); Г.Кан. История Казахстана. (Kan G. Istoriya Kazaxstana.).

² “Жети жарға”нинг айрим вариантлари С.Г.Кляшторный ва Т.И.Султоновларнинг “Казахстан: Летопись трёх тысячелетий. Алма-Ата, 1992. (Klyashtorniy S.G. i Sultanov T.I. Kazaxstan: Letopis tryox tisyachiletiiy. – Alma-Ata, 1992.); “Казахстан”. Национальная энциклопедия. Алма-Ата: “Мэдени Мура” – “Культурное наследие Казахстана” (2006) (Kazaxstan. Natsionalnaya ensiklopediya. Alma-Ata: “Medeni Myra” – “Kulturnoe naslediye Kazaxstana”. 2006.) номли асарларида берилган.

³ Учебное пособие по истории Казахстана с древнейших времен до наших дней. Алма-Ата, 1992. – С.45. (Uchebnoye posobiye po istorii Kazaxstana s drevneyshix vremyon do nashix dnei. – Alma-Ata, 1992. – 45.).



курултойга тўпланишган ва унда халқ муаммоларини муҳокама қилишган. Улар “халқ йиғинлари”га қурол билан келишлари керак эди. Қурол билан халқ йиғинига келмаган шахслар қурултойда овозга эга бўлишмаган, шунинг учун, ҳатто, ёши кичиклар қозоқлар жамиятидаги одоб қоидаларидан қатъи назар, уларга жой беришмаган. “Жети-жарға”да аҳолининг жанговар қисмидан хон ва бийлар фойдаси учун йиғиладиган доимий солиқлар қонунийлаштирилган¹.

“Жети-жарға”да асосий ўрин жиноий-ҳуқуқий нормаларга, шахсга нисбатан жиноий жавобгарлик, мулкка нисбатан жиноят, ахлоқ қоидалари ва оилавий ҳуқуқий муносабатлар масалаларига ажратилган. “Жети-жарға”да давлатга қарши жиноят тушунчаси бўлмаган. Жазонинг энг кўп қўлланилган тури хун тўлашдан иборат бўлган. Хуннинг миқдори жиноятчининг ижтимоий мансублигига, яъни жиноятчининг аслзода ёки зодагон эмаслиги, чингизийлар авлодидан ёки оддий фуқародан эканлигига қараб белгиланган.

“Жети-жарға”га кўра, моддий компенсация – товон давлатнинг фойдасига эмас, балки жабрланувчининг фойдасига ундирилган. Жиноий ишларни кўриш жараёни оммавий хусусият касб этган. “Жети-жарға”нинг асосий йўналиши қозоқ олий насаб тоифалари манфаатлари ва хусусий мулкни ҳимоя қилган, ҳукмрон патриархал оилалардаги тартибларни ҳамда мусулмон динини ҳимоя қилишга қаратилган. Жиноий ишлар “одат” ва “шариат” асосларига таяниб кўриб чиқилган. Жиноятни содир этган шахсларнинг ишлари қабила-уруғ бошлиқлари ҳисобланган бийлар томонидан кўриб чиқилган. Баъзи мураккаб жиноий ишлар султонлар ва хон иштирокида кўриб чиқилган.

“Жети-жарға”нинг қачон ёзилганлиги тўғрисидаги масала муаммоли ҳисобланади. Г. Спасскийнинг 1820 йилда берган маълумотларига кўра, қонун XVII асрнинг 70-йилларида ёзилган дейиш мумкин. Тузуқларнинг 11 та парчаси Г. Спасский томонидан 1804 йилда япасс уруғи сардори Кубек Шукураниев сўзларидан ёзиб олинган бўлиб, 1820 йилда “Сибирский вестник” журналида чоп этилган². Унинг иккинчи нашри қозоқлар тарихи билан шуғулланган А. Левшин³ томонидан тайёрланган, аммо бу нашр ҳам тўлиқ бўлмаган. Чунки А. И. Левшин тузуқлар матнини тузилган даврдан юз йил ўтиб кетгандан кейин ёзиб олган эди. А. Левшин қозоқларнинг хўжалик

¹ Учебное пособие по истории Казахстана с древнейших времен до наших дней. Алма-Ата, 1992. – С.45. (Uchebnoe posobiye po istorii Kazaxstana s drevneyshix vremyon do nashix dneiy. – Alma-Ata, 1992. – 45.).

² Ерофеева И.В. А.И.Левшин и его труд “Описание киргиз-казачьих, или киргиз-кайсацких, орд и степей”. //А.Левшин. Описание киргиз-казачьих, или киргиз-кайсацких орд и степей. Часть III. Этнографические известия. – Алматы, «Сенат», 1996. – С.591. (Erofeeva I.B. A.I.Levshin I yego trud “Opisaniye Kirgiz-kazachix, ili kirgiz-kaysatskix, ord i stepey. A.I.Levshin. Opisaniye kirgiz-kazachix, ili kirgiz-kaysatskix, ord i stepey. Chast III. Etnograficheskiye izvestiya. – Almati, “Senat”, 1996. – PP. 533-595.).

³ Левшин А. Описание киргиз-казачьих. – С. 170-178. (A.Levshin. Opisaniye kirgiz-kazachix... – P. 170).



хаёти ва ижтимоий муносабатлари тўғрисида ёзар экан, асрлар давомида одатдаги урф-одатларга асосланган кўчманчилар жамиятини бошқаришнинг ҳуқуқ нормалари тўғрисида қимматли маълумотлар келтирган. Муаллиф ўз асарининг ўн тўртинчи бобида “Жети-жарға”нинг мазмунига тўхталиб ўтган. А. Левшиннинг асарида қонун ҳужжатининг 34 та парчаси келтирилган¹. Демак, Таукехоннинг “Жети-жарға” қонунлар тўплами тўлалигича етиб келмаган, балки қисқа парчаларда оғиздан-оғизга кўчиб келганлиги маълум бўлади. Иккинчидан, етиб келган матнларнинг тил услублари ўзгарган бўлиши мумкин, чунки ҳозирги мавжуд матнлар рус тилида ёзиб олинган.

XVII аср охири XVIII аср бошларида Қозоғистоннинг ички хаёти ниҳоятда оғир эди. Хонларнинг қозоқ жузларини бирлаштириб ягона марказлашган давлат тузиш тўғрисидаги ҳаракатлари натижа бермаган. Қозоғистон сиёсий жиҳатдан тарқоқ ва султонларнинг сепаратистик курашлари кучайиб бораётган эди. Қозоқ хонлигининг ташқи сиёсий аҳволи ҳам оғир эди. Ғарбдан Волга бўйи қалмиқлари ва ёйқлик казаклар, шимолдан сибирлик казаклар, ёйқ ортидан бошқирлар, шарқдан Жунғор хонлиги таҳдид солиб турган. Жунғорлар ва ғарбий мўғул қабилалари XVI аср иккинчи ярмида ўзларининг иттифоқини тузган бўлсалар, бу иттифоқ XVII асрда Жунғор хонлиги номи билан машҳур бўлган давлатга айланди. Жунғор хонлиги 1635 йилда ташкил топган бўлиб, бу давлат Қозоқ хонлиги ерларига доимо ҳужум қилиб турган. XVII аср биринчи ўн йилликларидан Қозоқ хонлиги билан Жунғор хонлиги ўртасида бошланган урушлар жунғорлар фойдасига ҳал бўлиб келган.

1723 йилга келиб жунғор-қозоқ урушлари авж олади. Қозоқлар учун “Оғир кулфат йиллари” бошланган. Қозоқ халқини қириб ташлашга қаратилган бу даҳшатли йиллар қозоқ халқи хотирасида “Ақ табан шубиринди, Алқақол сулама”² деган ном остида сақланган. Қозоқлар Хўжанд, Самарқанд, Хива ва Бухоро томонларга кўчишга мажбур бўлишган. Улар молмулки, чорвасини ташлаб қочиб, ўзбеклар орасида паноҳ топганлар.

Бу эса, хонликда ички аҳволнинг зиддиятлашувига, ўзаро курашларнинг келиб чиқишига, қозоқлар ўртасида яйловлар учун курашларнинг авж олишига сабаб бўлган. Ўзаро ички тартибсизликлар ва ички курашлар анъанавий урф-одатларнинг ҳамда ижтимоий муносабат нормаларининг бузилишига олиб келган. Бу ҳолат, ўз навбатида, пойдевори заифлашиб қолган ижтимоий ҳолатларнинг ечимини топиш учун чора кўришга мажбур қилган. Қолаверса, қозоқлар жамиятида ҳалиям эскириб қолган қонун-қоидалар амалда эди. Албатта, бу қонун-қоидаларни шу кун талаблари даражасида қайтадан кўриб чиқиш зарурати туғилди. Шунинг учун ҳам, қозоқ халқи тарихидаги энг оғир даврларни мантиқий англаган ҳолда, “Жети-жарға”нинг яратилишини сиёсий ва ижтимоий зарурат эди деб баҳолаш мумкин. Нокулай ташқи ҳарбий-сиёсий омиллар, шунинг билан

¹ Ўша манба. – Б. 360-374. (А. Levshin. Opisanije kirgiz-kazachix... – P. 360-374.).

² Кан Г. История Казахстана. – С. 83. (Кан Г. Istoriya Kazaxstana. – P. 83.).



бирга, ички зиддиятлар минтакада шундай бир ҳужжат яратилишини талаб қилган. Таукехон эса ташаббусни қўлга олиб, ижтимоий-сиёсий ҳаётни тартибга солувчи давлат идора усулининг қонуний асосларини яратувчиси сифатида майдонга чиққан. М. Х. Абусейтова ва бошқалар томонидан яратилган ўқув қўлланмада А. Левшин маълумотларига ишора қилиб, Таукехоннинг бошқарув даврини “олтин давр” деб, таҳликага тушган уруғларни келиштириб, қонун-қоидаларни ишлаб чиққан, тартиб ўрнатган ва қонунларни яратган хонни эса дохий деб эътироф қилади¹.

Таукехон машҳур қозоқ саркардаси, Жаҳонгирхоннинг (1644–1652) ўғли эди. Унга отасидан хонлик тахти мерос қолган. Таукенинг ёшлиги жунғор хонларидан Галдан-Бошоктухон (1645–1697) ва Цэван-Рабдан (1697–1727)ларга қарши жангу жадалларда ўтган. Бу жангларда у ўзини қўрқмас жангчи ва моҳир саркардалиқ қобилиятига эга эканлигини намоён этган. “Жети-жарға”га кўра, ҳокимият хон кўлида тўпланган бўлиб, бошқарувни султонлар ва уруғ оқсоқоллари уюштирган. Ўз навбатида, улар халқ йиғини – қурултойда ҳисобот бериб турганлар. Қозоқлар жамиятида иккита ижтимоий гуруҳ кўзга ташланади: биринчиси, оқсуяқлар – уларга фақат Чингизхон авлодлари, тўралар ва хўжалар мансуб бўлган. Иккинчиси эса, қора суяқлар – уларга аҳолининг қолган барча қатлами кирган. Бу икки гуруҳ сиёсий ва ҳуқуқий, ижтимоий-маданий, функционал-норматив муносабатларда бир-биридан фарқ қилган. Оқ суяқларга зодагонлар тоифаси ҳисобланган тўра ва хўжалар ҳам кирган².

Кўчманчи қозоқлар жамиятининг имтиёзли қатламларини тўралар ташкил қилган. Тўралар нафақат қозоқлар орасида, ҳатто кўплаб Евросиёнинг туркий тилли халқлари орасида ҳам маълум бўлиб, уларни бир неча марта хон тахтига ҳам таклиф қилишган. Ҳар бир султон маълум бир уруғ-аймоқларни бошқариш ҳуқуқига эга бўлиб, ўзининг юрт деб аталган яйловларига эга бўлган³. Султонлар жамиятда нуфузли ўринни эгаллаган бўлиб, улар мавқеининг баландлигини шу нарсада кўриш ҳам мумкинки, султонни ҳақорат қилган киши 27 бош қарамол жарима тўлашга мажбур бўлган. Агарда султонни ўлдириб қўйса, хун талаб қилинган, хун эса “қора суяк”лардан етти кишини ўлдириш билан қопланган⁴. Шу ўринда таъкид-

¹ Абусейтова М.Х. и др. История Казахстана и Центральной Азии. Учебное пособие. – Алматы: Дайк-Пресс, 2001. – С. 318. (Abuseitova M.X. i dr. Istoriya Kazaxstana i Sentralnoy Azii. Uchebnoye posobiye. – Almati: dayk-Press, 2001. – P. 318.); Қаранг: А.Левшин. Описание киргиз-казачьих. – С. 367. (Kan G. Istoriya Kazaxstana. – P. 367.).

² Масанов Н.Э. и др. История Казахстана: Народы и культура. Учебное пособие. – Алматы: Дайк-Пресс, 2001. – С.118. (Masanov N.A., Abilxojin J.B. i dr. Istoriya Kazaxstana: Narodi i kultiri. Uchebnoye posobiye. – Almati, 2001. – P. 118.).

³ Султанов Т.И. Кочевые племена Приаралья в XV-XVII вв.: Вопросы этнической и социальной истории. – М., 1982. – С. 94. (Sultonov T.I. Kocheviye plemena Priaralya v XV-XVIII vv.: Voprosi etnicheskoy i sotsialnoy istorii. –M., 1982. – P. 94.).

⁴ Масанов Н.Э., Абылхожин Ж.Б. и др. История Казахстана: Народы и культуры. – Алматы, 2001. – С.119. (Masanov N.A., Abilxojin J.B. i dr. Istoriya Kazaxstana: Narodi i kultiri. Uchebnoye posobiye. – Almati, 2001. – P. 119.).



ламоқ лозимки, бошқа қозоқ жамиятидаги гуруҳлардан фарқли ўларок, тўралар бийлар томонидан суд қилинмаган, уларнинг жиний ишлари фақат хон томонидан кўриб чиқилган.

Таукехон қонунлари юқори табақа вакилларининг манфаатларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаган ҳолда, фуқаролар ҳуқуқини, шунингдек, солиқ, диний муносабатлар, хуллас, ҳаётнинг барча соҳаларини ўзида мужассамлаган эди. Сулоланинг энг ёши каттаси хонлик тахтини эгаллаши мумкин эди. Хоннинг функцияси жуда кенг бўлиб, энг муҳим масалалар унинг раҳбарлигида ҳал этилган.

“Жети-жарға”да белгилаб берилган қонунларнинг Қозоқ хонлигида бир хилда амал қилиши ва қонунларни изоҳлаб бериш мақсадида ҳар йили учала жуз бийлари ва қабилалар вакиллари иштирокида Таукехоннинг жанубдаги ўрдасида йиғин ўтказилган¹. Ҳар йили кузда бийлар, кирғиз, қорақалпоқлар вакиллари, бундан ташқари қотағон, жайма ва бошқа майда уруғлар Ангрен дарёсининг чап қирғоғида хон қароргоҳида тўпланишган. Таукехоннинг қароргоҳи Тошкентдан 40 чақирим масофадаги Ангрен дарёсининг чап қирғоғида Култепа мавзесидаги “Хонабод”да жойлашган.

“Жети-жарға” маъмурий, фуқаролик, жиний, солиқ тизимларини ўз ичига олган қонуний ҳужжат ҳисобланади. Унга кўра, жиний ишлар одат ва мусулмон қонунчилиги шариатига кўра олиб борилган. Жиний ишлар ҳамда муҳим муаммоли масалалар асосан бийлар томонидан кўриб чиқилган. Айрим зиддиятли ишларгина бийларнинг йиғинида, баъзи ишлар султонлар ва хон иштирокида кўриб чиқилган. Бундай ишларни кўриб чиқишда қатнашган бийлар, султонлар ва хонга тортиқлар берилган. Хон хонликка қарашли барча ҳудудларнинг эгаси бўлиб, бош фармондор сифатида урушларни эълон қилар, битим тузар, ташқи дипломатик алоқаларни ўрнатар эди. Шунингдек, у бош қози ҳам эди. Султонлар улусларни бошқарган ва улус ҳарбий кучларининг қўмондони ҳисобланар эди.

“Жети-жарға”:

- ер ҳақидаги қонун бўлиб, унда яйлов ва сувлоқлар учун жанжалли муаммолар кўриб чиқилган;
- оила-никоҳ қонуни бўлиб, унда никоҳ тузиш ва никоҳдан ажратиш, эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, оила аъзоларининг мулкий ҳуқуқлари қамраб олинган;
- ҳарбий қонун бўлиб, унда ҳарбий мажбуриятга жўнатиш, ҳарбий қисмларни ташкиллаштириш ва уларга бошлиқларни тайинлаш масалалари жамланган;
- суд процесси тўғрисидаги қоида бўлиб, унда жиний ишлар муҳокама қилинган;

¹ Левшин А. Описание киргиз-казачьих. – С. 370. (A.Levshin. Opisanije kirgiz-kazachix... – P. 370.).



- жиноят қонуни бўлиб, унда ўлим жиноятдан ташқари содир этилган жиноятларга жазо тайинлаш тартиби ёритилган;
- хун тўғрисида қонун бўлиб, унда одам ўлдириш ва оғир тан жароҳати етказганлик учун жазо тайинлаш баён қилинган;
- тул қолган аёллар тўғрисидаги қонун бўлиб, унда бева ва етимларнинг мулкӣ ва шахсий ҳуқуқлари, шу билан бирга, ўлган одамнинг жамоаси ва қариндошларининг мажбуриятлари кўриб чиқилган.

Кўриниб турибдики, “Жети-жарға” қонунлар тўпламида Қозоқ хонлигининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий муносабатларида вужудга келадиган муаммоли масалалар қамраб олинган.

Жиноят-ҳуқуқ нормалари қилинган жиноятга кўра белгиланган: одам ўлдирганлик, тан-жароҳат етказганлик, номусига текканлик, калтаклаш, ҳақорат, фарзандлик бурчини бажармаганлик, ўғирлик, хиёнат қилиш ва ҳ.к. Қозоқ хонлигида суд ишлари, жиний жавобгарлик хун тартибида белгиланган. Хотин эрини ўлдириб қўйса, аёл никоҳсиз боласини ўлдириб қўйса, аёл киши эрига хиёнат қилса, худога шак келтирса дорга ошиш ва тошбўрон қилиш йўли билан ўлим жазоси қўлланилган.

Хун ҳақининг миқдори жиноятчи ва жабрланувчининг ижтимоий аҳволига боғлиқ эди. Хун ҳақини сотиб олиш мумкин бўлган. Султонни ҳақорат қилса 9 бош қорамол миқдорида жарима тўлаган, калтакласа, 27 киши хуни баробарида жазо белгиланган¹. Агарда султон ёки хўжани ўлдириб қўйса, 7 оддий кишининг хуни талаб қилинган. Хуннинг нархи ўргатилган бургут ёки овчи ит нархида баҳоланган². Оддий кишини ўлдирганлик учун 1000 та, аёл кишини ўлдирган тақдирда 500 та қўйни марҳумнинг яқинларига бериши керак эди³. Маълумки, козоқларда оқсуяқлар қатлами ниҳоятда нуфузли ижтимоий қатлам сифатида эътироф этилган. Шунинг учун “Жети жарға”га кўра, ўзини ёлғондакам оқсуяқ деб кўрсатиш тўлиқ хун ҳақи билан жазоланган. Султонларнинг қилган жиноятлари фақатгина хон томонидан кўриб чиқилиши ва унга кўра маълум жазо белгиланиши мумкин бўлган.

Қозоқлар жамиятидаги барча табақалардан фарқли ўларок, тўраларнинг қилган жиноятлари ёки гуноҳлари фақат хон суди томонидан кўриб чиқилиши ва жазоланиши мумкин бўлган. Бу қатламдаги аёллар учун қатъий талаблар бўлган, яъни агарда тўраларнинг қизлари қора халққа турмушга

¹ Левшин А. Описание киргиз-казачьих. – С. 368. (A.Levshin. Opisanije kirgiz-kazachix... – P. 368.).

² Баллюзек Л. Народные обычаи, имевшие, а отчасти и ныне имеющие в Малой Киргизской орде силу закона //Материалы по казахскому обычному праву. – Алматы, 1998. – С.276, 281. (Ballyuzek L. Narodniye obichai, imevshije, a otchasti i nine imeyushiye v Maloy Kirgizskoy orde silu zakona //Materiali po Kazaxskomu obichnomu pravu. – Almati, 1998. – P.276, 281.).

³ Абусейтова М.Х. и др. История Казахстана и Центральной Азии. Учебное пособие. – Алматы: Дайк-Пресс, 2001. –С. 369. (Abuseitova M.X. i dr. Istoriya Kazaxstana i Sentralnoy Azii. Uchebnoye posobiye. – Almati: dayk-Press, 2001. – P. 369.).



чиққан тақдирда ўз уруғининг имтиёзларидан маҳрум бўлган. Ва аксинча, султонларга турмушга чиқса, у ҳолда ўша тўранинг табақасига мансуб бўлиб қолган¹.

Қорасуяклар таркибида уруғ оқсоқоллари бўлмиш бийлар асосий мавкега ва ҳуқуққа эга эдилар. Бийлар уруғ оқсоқоллари сифатида султонлардек сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, давлат ишларини ҳал этишда иштирок этардилар.

“Жети-жарға”га кўра, жамиятда ижтимоий тенгсизлик кўзга ташланади. Жамиятда эркаклар юқори статусга эга бўлгани ҳолда, аёллар, болалар, хизматкорлар, малайлар ва қулларни ҳақ-ҳуқуқлари эркакларга нисбатан кейинги ўринларга қўйилган. А. И. Левшиннинг асарида қайд этилишига кўра, аёл киши эрини ўлдириб қўйса, эрининг қариндошлари аёлни кечирмаса, унга ўлим жазоси белгиланган. Аммо бу қоида ҳомиладор аёл учун қўлланилмаган, аммо унга ҳамма нафрат кўзи билан қараган. Агарда эркак киши аёлини ўлдирса, у фақат хун тўлаш йўли йўли жавобгарликдан озод этилган². Юқорида кўриб ўтилганидек, ҳар бир ўлдирилган эркак учун қотил унинг қариндошларига жарима сифатида 1000 та қўй, аёл учун эса 500 та қўй тўлаган³. Аёллар “хизматчилар, малайлар ва қуллар”га тенглаштирилиб, жиний ишлар кўрилатган вақтда гувоҳлик бериш ҳуқуқига эга бўлмаган.

“Жети-жарға”га кўра, жиноятчи ўғирлик қилгани учун ўғирланган молга нисбатан 30 баробар товон тўлаши керак бўлган⁴. Масалан, аёл кишини бадном қилганлиги учун хун 200 бош от жарима сифатида тўланган. Туя ўғирланса, туя бериши керак, яна кўшимча 1 та қул, отга туя кўшиб берилган, қўйга от қўшилган, чунки 1та туя 3 та отга ёки 10 қўйга тенглаштирилган.

“Жети-жарға”га биноан, агарда отлик аёл кишини йиқитиб, унга қаттиқ шикаст етказган тақдирда, оқибатда аёл ўлик бола туғса, айбдор ўлган гўдак учун беш ой давомида ҳар ойда биттадан от, гўдак учун 5 ойдан 9 ойгача ҳар ойда биттадан туя бериши керак бўлган⁵. Ўғил отасини ёмонласа, отасини ёки онасини қалтакласа, уни қорамолга тесқари ўтқазиб, бўйнига эски кийгизни ўраб йўлбўйи уни қамчи билан савалаб, молни овул бўйлаб ҳайдаб ўтган, шу ишни қизи қилган тақдирда, қизни боғлаб жазолаш учун онасига топширган⁶.

Ўғирлик, босқинчилик, зўравонлик жиноятини содир қилганликда айбли деб топилган шахслар дорга осиш йўли билан жазоланган. Шунингдек,

¹ Масанов Н.Э., Абылхожин Ж.Б. и др. История Казахстана: Народы и культуры. Алматы. 2001. С.119. (Masanov N.A., Abilxojin J.B. i dr. Istoriya Kazaxstana: Narodi i kultiri. Uchebnoye posobiye. – Almati, 2001. – P. 119.).

² Левшин А. Описание киргиз-казачьих. – С. 368. (A.Levshin. Opisaniiye kirgiz-kazachix... – P. 368.).

³ Абусейтова М.Х. и др. История Казахстана и Центральной Азии. –С. 369. (Abuseitova M.X. i dr. Istoriya Kazaxstana i Sentralnoy Azii. Uchebnoye posobiye. – Almati: dayk-Press, 2001. – P. 367.); А.Левшин. Описание киргиз-казачьих. – С. 367. (A.Levshin. Opisaniiye kirgiz-kazachix... – P. 367.).

⁴ Кан Г. История Казахстана. – С. 71. (Kan G. Istoriya Kazaxstana. – P. 71.).

⁵ Левшин А. Описание киргиз-казачьих. – С. 368. (A.Levshin. Opisaniiye kirgiz-kazachix... – P. 368.).

⁶ Ўша манба. – Б. 369. (A.Levshin. Opisaniiye kirgiz-kazachix... – P. 369.).



хотиннинг эрига нисбатан қилган хиёвати учун ҳам шу каби жазо қўлланилган. Таукехон тузукларига кўра, ўлдирилган одамнинг қариндошлари жинойтчини қатл этиш ҳуқуқига эга бўлган.

Агарда жинойтчи жабрланувчининг кўли, оёғи, қулоғи ёки танасининг бирор қисмига тан жароҳат етказса, жинойтчи танасининг шу қисмига худди шундай жароҳат етказилган. Бироқ, жазо суднинг қарори ва даъвогарнинг розилиги билан хун тўлаш йўли билан алмаштирилиши мумкин бўлган. Жинойтчи ҳаётини хун тўлаш билан сақлаб қолган, яъни ўлдирилган ҳар бир эркак учун марҳумнинг оиласига 1000 та, ҳар бир ўлдирилган аёл учун 500 та кўй берилган. Тананинг бирор жисмига шикаст етказилса ёки кесиб ташланса, жабрланувчига белгиланган миқдорда чорва билан жарима тўланган. Бош бармоқ кесиб ташланса 100 та, жимжилоқ кесиб ташланса 20 та кўй жарима тарзида жабрланувчига тўланган¹.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, “Жети-жарға” маъмурий, фуқаролик, жиной, солиқ тизимларини ўз ичига қамраб олган қонуний ҳужжат бўлиб, унга Қозоқ хонлигининг бутун ҳудудида амал қилинган. Қонунлар тўплами Қозоқ хонлиги бошқарув тизимининг ҳуқуқий асосини ташкил қилган. Таукехон қонунлари юқори табақа вакилларининг манфаатларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаган ҳолда, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, шунингдек, солиқ тизими билан боғлиқ барча муаммоларни бартараф қилиш учун қонуний асос бўлиб хизмат қилган. Мазкур қонунда жамиятдаги ижтимоий тенгсизлик мавжудлиги, эркак билан аёлнинг ҳуқуқларидаги катта фарқ борлиги, эркаклар манфаатлари ҳимоя қилинганлигини эътироф этиш мумкин.

Мазкур мақолада манбалар ва илмий адабиётларга таянган ҳолда, Қозоқ хонлигининг ташкил топиш арафасида ҳудудда мавжуд бўлган сиёсий ва зият ўрганилди. Қозоқ хонлиги тузилганидан кейин унинг сиёсий барқарорлигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш учун қозоқ хонлари мамлакат ҳудудини кенгайтириш ва ташқи душманларга, хусусан, жунғорларга қарши узоқ йиллар мобайнида кураш олиб борганлиги кўриб чиқилди.

Қозоқ хонлигининг ташкил топиши билан бир вақтда Қозоқ жузларининг пайдо бўлиши, жамиятда пайдо бўладиган муаммоларни ҳал этиш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиладиган ҳужжат “Жети-жарға”нинг яратилиши учун вужудга келган шарт-шароит ўрганилди.

¹ Левшин А. Описание киргиз-казачьих. – С. 367. (A.Levshin. Opisanije kirgiz-kazachix... – P. 367.).